

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РУЗИБОЕВ САНЖАР АБДУСАЛОМОВИЧ

**ПОРТОСИСТЕМ ШУНТЛАШ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ УЗОҚ
МУДДАТДА ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН БЕМОРЛАРДА
РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИ ВА АСОРАТЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

14.00.27–Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Рузибоев Санжар Абдусаломович

Портосистем шунтлаш операциясидан кейинги узоқ муддатда жигар циррози билан беморларда реабилитация дастури ва асоратлар профилактикасининг замонавий тамойиллари 3

Рузибоев Санжар Абдусаломович

Современные принципы реабилитации и профилактики осложнений у больных циррозом печени в отдаленный период после портосистемного шунтирования 29

Ruziboyev Sanjar Abdusalomovich

Modern principles of rehabilitation and prevention of complications in patients with liver cirrhosis during longer period after portosystemic shunting 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РУЗИБОЕВ САНЖАР АБДУСАЛОМОВИЧ

**ПОРТОСИСТЕМ ШУНТЛАШ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ УЗОҚ
МУДДАТДА ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН БЕМОРЛАРДА
РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИ ВА АСОРАТЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

14.00.27–Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.DSc/Tib349 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Девятков Андрей Васильевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Исмаилзода Саймахмуд тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Хакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий текшириш маркази» Федерал давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиётмаркази мажлислар зали).

Докторлик диссертация билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиётмарказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (89-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г.Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х.Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

М.М.Акбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «жигар циррози (ЖЦ) ва портал гипертензия билан (ПГ) йилига деярли 300 минг инсоннинг ўлимига сабаб бўлмоқда ва башоратларга кўра яқин ўн йилликда ушбу касаллик билан беморларнинг сони 60% дан ортиқ кўпайиши мумкин»¹. Кўпинча, ПГ оқибатини белгилайдиган асосий асоратларидан бири қизилўнғач ва ошқозоннинг варикоз кенгайган веналаридан (ҚОВКВ) қон кетиш ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасида ҳар йили ҚОВКВдан қон кетиш ҳолати 2000 ортиқ ҳолатларда қайд этилиб, бу туфайли ўлим қон кетишнинг илк мартасидаёқ, турли маълумотларга кўра, 30-80% ни ташкил этиши мумкин». Ушбу тоифа беморларни радикал даволашнинг ягона усули жигар трансплантацияси ҳисобланади. Аммо беморларни ушбу мураккаб амалиётга узоқ вақт тайёрлаш жараёнида, кўпинча, ҚОВКВдан қон кетиш ривожланиши мумкин². Шунинг учун, ушбу асоратнинг хавфи мавжуд бўлиб турганида қўшимча равишда профилактик чора-тадбирларни ўтказиш талаб қилинади, улар орасида портал ҳавзада самарали хирургик декомпрессия усули – портосистемли шунтлаш (ПСШ) хирурглар арсеналида сақланиб турибди. Ўз навбатида, ушбу амалиётни ЖЦда бажариш вақти бошқа амалиётлар каби нафақат ўзининг ижобий, балки турли шунтдан сўнгги асоратлар, анастомоз тромбози, геморрагик синдром қайталананиши ва жигар етишмовчилигининг кучайиши билан жигар энцефалопатиясининг (ЖЭ) вужудга келиши каби салбий томонлари ҳам мавжуд.

Дунё амалиётида ҳозирги вақтда турли омилларга боғлиқ ҳолда ЖЦда геморрагик синдромнинг ривожланиш патогенезини, жумладан, гепатоцитларнинг функционал ҳолати ва жигар етишмовчилигининг портал гастропатия билан биргаликда зўрайиб боришининг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бошқа бир муҳим масала – шунтли аамалиётларда декомпрессиянинг оптимал даражасига боғлиқ бўлган текшириш, яъни портал босимни адекват тушириш ва гепатопетал қон айланишида қолдиқ босим ҳажмини сақлаб қолиш орасидаги мувозанатга эришиш бўлади. ЖЦда этиотроп давонинг самарадорлигини ўрганиш масаласи ўзига хос қизиқиш ўйғотади, жумладан, ПСШ туфайли геморрагик синдром хавфи баргараф этилишга эришилади, аммо асосий касалликнинг зўрайиш эҳтимоли, хусусан, вирус этиологияли диффуз жараёнда сақланиб қолади. Шунингдек, ЖЭ клиник-патогенетик кечишининг ўзига хослиги ва зўрайиши ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ World Health Organization. Liver Cirrhosis: fact sheet no.125. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs346/ru>, accessed March 12.

² Lin LL, Du SM, Fu Y, Gu HY, et al. Combination therapy versus pharmacotherapy, endoscopic variceal ligation, or the transjugular intrahepatic portosystemic shunt alone in the secondary prevention of esophageal variceal bleeding: a meta-analysis of randomized controlled trials. // *Oncotarget*. 2017 May 24. doi: 10.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида ЖЦ ва ПГ билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, ЖЦ билан беморларга юқори технологик хирургик хизмат сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун илмий-асосланган натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича янги диагностика усуллари талаб қилинади. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, тактик ва диагностик мониторинг ишлаб чиқиш орқали ПСШ натижаларини ва ЖЦ бошқа асоратларини ҳозирги замон оптимал комплекс даволаш-профилактика чора-тадбирларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. ЖЦ билан беморларга юқори технологик хирургик ёрдам кўрсатиш сифатини

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил. ЎзРеспубликаси Президенти қарори 07.02.2017 й. N ПҚ-4947 «Ўзбекистон Республикасининг О стратегийи дейвий по дальнейшему развитию». Сборник законодательных актов.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Martínez-Mier G, Luna-Ortiz HJ, Hernández-Herrera N, Zilli-Hernandez S, Lajud-Barquin FA. Factores de riesgo asociados a las complicaciones y a la falla terapéutica en las reconstrucciones de lesiones de vía biliar secundarias a colecistectomía // Cir Cir. 2018;86(6):491-498; Kotecha K, Kaushal D, Low W, Townend P, Das A, Apostolou C, Merrett N. Modified Longmire procedure: a novel approach to bile duct injury repair. // ANZ J Surg. 2018 Oct 22. doi: 10.1111/ans.14901. Zheng YJ, Pan MX, Wang Y. Clinical significance and correlation of ductular reaction in hepatobiliary diseases. // Zhonghua Gan Zang Bing Za Zhi. 2018 Aug 20;26(8):637-640; Otto W, Sierdziński J, Smaga J, Dudek K, Zieniewicz K. Long-term effects and quality of life following definitive bile duct reconstruction. // Medicine (Baltimore). 2018 Oct;97(41):e12684.; Angelou A, Damaskos C, Garpis N, Margonis GA, Dimitroulis D, Antoniou EA. An analysis of the iatrogenic biliary injury after robotic cholecystectomy. Current data and future considerations. // Eur Rev Med Pharmacol Sci. 2018 Sep;22(18):6072-6076; Mansourian M, Sadeghi H, Doustimotlagh AH. Activation of the glutathione peroxidase by metformin in the bile-duct ligation-induced liver injury: in vivo combined with molecular docking studies. // Curr Pharm Des. 2018 Oct 3. doi: 10.2174/1381612824666181003114108; Seeras K, Kalani

яхшилаш ва ташхислашни яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, шу жумладан: Department of Hepatology, Copenhagen University Rigshospitalet (Copenhagen, Denmark), Department of Liver Diseases and Digestive Interventional Radiology of National Clinical Research Center for Digestive Diseases Fourth Military Medical University (Xi'an, China), Division of Gastroenterology, Department of Internal Medicine, Chonnam National University Medical School, (Gwangju, South Korea). Department of Internal Medicine I, University Hospital Regensburg, (Regensburg, Germany), Division of Gastroenterology and Hepatology University of Alabama at Birmingham in (Alabama, USA), Centro de Investigación Biomédica en Red de Enfermedades Hepáticas y Digestivas (Barcelona, Spain), Gastro-Hepatology Unit, Department of Medical Sciences, University of Torino (Turin, Italy), Hepatopancreatobiliary Surgery Treatment Center, Taihe Hospital, Hubei University of Medicine (Shiyan, China), Montefiore Medical Center/Albert Einstein College of Medicine, Department of Medicine (Bronx, New York), академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

Дунёда ПСШ натижаларини тактик-диагностик мониторингини ишлаб чиқиш ва специфик асоратларини яхшилаш учун олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича ушбу хавфли касалликни хирургик даволаш усулларини яхшилашга қаратилган кўплаб ечимлар таклиф этилган, шу жумладан: жигар касалликлари билан беморларда хирургик даволашни кенг татбиқ қилишда ўткир гепатоцеллюляр етишмовчилик, гепатоген энцефалопатия, гепатоцитларнинг бошлагич гипоксияси ривожланишининг юқори эҳтимоллиги жиддий тўсқинлик ҳисобланиши, буларнинг барчаси, кўпинча, амалиётдан сўнгги эрта даврда амалиётгача цитолитик ва холестатик жараёнлар фаоллигининг кучайиши ва уларни оғирлашувини тўғри баҳолаб билмаслик билан боғлиқлиги исботланган (Gastro-Hepatology Unit, Department of Medical Sciences, University of Torino, Turin, Italy); айниқса, ЖЦ шиш-асцит синдроми ва жараённинг фаоллашиши билан кечадиган декомпенсациялашган шакллардаги беморлар оғир гуруҳни ташкил қилиши аниқланган. Қизилўнгачдан қон кетиш хавфи юқори бўлган ЖЦ билан беморларда ушбу ҳолат алоҳида ўткир мауммо сифатида қаралади. Бир томондан, ушбу тоифа беморларда хирургик амалиёт бажариш ЖЦ декомпенсациялашуви юқори хавфи билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан эса, амалиётга рози бўлмаган беморларда профуз қон кетишнинг

AD.Bile Duct, Repair. // StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2018 Jan-.2018 Sep 18; Balla A, Quaresima S, Corona M, Lucatelli P, Fiocca F, Rossi M, Bezzi M, Catalano C, Salvatori FM, Fingerhut A, Paganini AM. ATOM Classification of Bile Duct Injuries During Laparoscopic Cholecystectomy: Analysis of a Single Institution Experience. // J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2018 Sep 25. doi: 10.1089/lap.2018.0413; Abtar НК, Mhana ТМ, Zbibo R, Mneimneh M, Asmar АЕ. First case report of bile leak from the duct of Luschka in a patient with mini-gastric bypass: The challenge of management. // Ann Med Surg (Lond). 2018 Sep 20;35:29-32; Zhang R, Kikuchi AT, Nakao T, Russell JO, Preziosi ME, Poddar M, Singh S, Bell AW, England SG, Monga SP. Elimination of Wnt secretion from stellate cells is dispensable for zonation and development of liver fibrosis following hepatobiliary injury. // Gene Expr. 2018 Sep 20.

ривожланиши туфайли хаётига жиддий хавф солиши билан боғлиқлиги кўрсатилган (Hepatopancreatobiliary Surgery Treatment Center, Taihe Hospital, Hubei University of Medicine, Shiyan, China); айнан трансъюгуляр жигаричи портосистем шунтлаш усули ўзининг кам шикастлиги билан ҚОВКВдан қон кетишларда кўп давлатларда профилактик жиҳатдан устунлиги исботланган. Бу, нафақат анъанавий усулда бажариладиган амалиётлар учун хос бўлган асоратлар ривожланиш хавфини пасайтиради, балки амалиёт бажариб бўлмайдиган оғир беморларда ҳам амалга ошириш имкониятини яратиши таъкидланган (Montefiore Medical Center/Albert Einstein College of Medicine, Department of Medicine, Bronx, New York); жигарни трансплантацияси ЖЦни радикал даволашнинг ягона усули ҳисобланиб, ундан сўнг яшаш турли сабабларга кўра бир йиллик кузатувларда 86-90% ва 5 йил давомида 62-85% ни ташкил этган. Аммо, бу амалиёт асосан ЖЦ декомпенсациялашган кечишида бажарилади, бу эса, жигарни кўчириб ўтказгунга қадар беморлар умрини узайтириш ва ўлимни камайитириш учун турли чора-тадбирларни қўллаш заруратини белгилаши кўрсатилган (Gastro-Hepatology Unit, Department of Medical Sciences, University of Torino, Turin, Italy).

Ҳозирги вақтда дунёда шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларда хирургик даволаш натижаларини яхшилаш борасида тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Ушбу тоифа беморлар сонининг узлуксиз ўсиб бориши, даволаш тактикаси масалаларида ёндашувларнинг турличалиги ва даволаш натижаларининг қониқарсизлиги ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини ўрганишни давом эттириш заруратини белгилайди. Жигарнинг асосий фаолиятини қўллаб турувчи замонавий сунъий аппаратларнинг пайдо бўлиши, трансфузиология ва реаниматология соҳасидаги сўнгги эришилган ютуқлар, жигар хирургиясида замонавий, юқори технологияли усуллар ЖЦ ва ПГ билан беморларда даволаш муаммосини янгича нигоҳ билан ўрганиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «ҚОВКВдан қон кетишларнинг якуний профилактик усули дорасида ПГ қон томирлар хирургиясининг ривожланиши хирургик гепатологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда» (Luca A⁵). Fonio P.⁶ ўзининг тадқиқотларида шуни таъкидлаганки, «ҳозирги вақтда турли гепатологик мактаблар ЖЦ билан беморларда геморрагик синдром ривожланишининг профилактика усуллари танлаш бўйича турлича фикрларни маъқуллашмоқда». Бу ҳолат ушбу муаммога бўлган хилма-хил ёндашувлар мавжудлигини англатади, аммо уларнинг ичида энг муҳими гепатоportal гемодинамикасининг ўзига хос хусусиятларини индивидуал характеристикаси ва жигарнинг функционал резерв ҳолатини мукамал тарзда аниқлаш борасида ЖЦ билан беморларда комплекс диагностикани

⁵ Luca A, Miraglia R, Caruso S et al. Short- and long-term effects of the transjugular intrahepatic portosystemic shunt on portal vein thrombosis in patients with cirrhosis. // Gut., 2011. - vol. 60. - pp. 846–52.

⁶ Fonio P, Discalzi A, Calandri M, Doriguzzi Breatta A, et al. Incidence of hepatic encephalopathy after transjugular intrahepatic portosystemic shunt (TIPS) according to its severity and temporal grading classification. // Radiol Med. 2017 May 16. doi: 10

такомиллаштириш каби изланишлар ётади. ПСШдан кейинги даврнинг кечиши ва асоратларнинг ривжланишида портал ҳавзада ўтказилган декомпрессия тури ва жигарнинг функционал резерв ҳолати алоҳида аҳамиятга эга. Шундай қилиб, Ettorre GM⁷ фикрича, ПСШ марказий вариантларини селективларига нисбатан бажарилиши ЖЭ клиник аҳамиятли боскичларини 2-3 баробарга ривожланишини кўпайтиради, бу эса, 34% ва ундан ортиқни ташкил этиши мумкин. Ҳозирги вақтда ушбу асоратга фақатгина консерватив даволаш доирасида ҳам, ПСШ ўтказилган беморларда даволаш йўналишида ҳам борган сайин катта эътибор қаратилмоқда. Социал характердаги муаммолар янада кенгроқ долзарблик касб этмоқда, чунки ЖЭ ҳаттоки, унчалик ифодаланмаган клиник шакллариининг ривожланиши ва зўрайиши ЖЦ билан беморларни ҳаёт сифатини анча оғирлаштиради.

ПСШ вақтида портал ҳавза декомпрессияси даражаси ЖЭ ривожланиши эҳтимоли ва зўрайиб боришига таъсир этувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади. Mindikoglu AL⁸ нинг фикрича, «марказий ПСШ да дарвоза венаси бўйлаб гепатофугал қон айланишининг ривожланиш хавфи энг юқори ҳисобланади, чунки бунда бутун портал системаси декомпрессияга учрайди. Ўз навбатида, фақатгина гастролиенал соҳани дозали селектив дистал анастомоз орқали декомпрессия қилиш ҳам вақти келиб гемодинамикани ўзгариши фонида, ҳамда айрим ҳолларда дарвоза вена орқали депортализация билан ретроград қон айланишини шакллантирилган шунт томон ҳосил бўлишига олиб келади». Айниқса, жигардаги сурункали диффуз жараён фонида дарвоза системасида гепатопетал қон айланишининг пасайиши, бир томондан, гепатоцитлар функционал етишмовчилигини паренхиматоз декомпенсация хавфи билан кучайишига сабаб бўлса, бошқа томондан, дарвоза венаси ва унинг тармоқларида тромбоз ривожланиши учун мойиллик қилади (Hernández-Gea V⁹). Жигар етишмовчилигининг кучайиб бориши ушбу тоифа беморларни радикал даволаш зарурати бўлган гуруҳга ўтишини белгилаб беради. Аммо, дарвоза вена бўйлаб гепатофугал қон оқимининг ривожланиши ҳамда қисман ва тўлиқ тромбоз шаклланиш каби ПСШнинг асорати гепатотрансплантация қилиш имкониятини анчага камайтиради.

Адабиётлардаги маълумотларнинг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, ЖЦ билан беморларни хирургик даволаш натижалари сезиларли даражада яхшиланган, бунда асосий долзарб ва аниқлик киритилиши лозим бўлган муаммолар амалиётдан сўнгги узок даврда турли асоратларнинг учраш частотасини декомпрессия тури, ЖЦ этиологиясига боғлиқ ҳолда ПСШ натижаларини баҳолаш борасидаги тадқиқотларни давом эттириш билан биргаликда ЖЦ асосий патологик жараённи ўзига хос кечиши

⁷ Ettorre GM, Levi Sandri GB, Colasanti M, de Werra E, Lepiane P Distal pancreatectomy with splenorenal shunt to preserve spleen in a cirrhotic patient. // Ann Hepatobiliary Pancreat Surg. 2017 May;21(2):93-95.

⁸ Mindikoglu AL, Pappas SC. New Developments in Hepatorenal Syndrome. // Clin Gastroenterol Hepatol. 2017 Jun 7. pii: S1542-3565(17)30672-9.

⁹ Hernández-Gea V, Berbel C, Baiges A, García-Pagán JC. Acute variceal bleeding: risk stratification and management (including TIPS) // Hepatol Int. 2017 Jun 20. doi: 10

ва уни аниқлаш ҳамда клиник-инструментал ва даволаш-диагностик дастурларни шунтлаш давридан сўнгги асоратларига нисбатан (ЖЭ ва геморрагик синдром қайталаниши) самарадорлигини баҳолаш ва мос равишда радикал даволаш – жигар трансплантациясини бажариш заруратини баҳолаш учун декомпрессив амалиётдан сўнг паренхиматоз декомпенсация бўйича потенциал хавф гуруҳини аниқлаш бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия-илмий амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ФДСС 12-4 «Жигар циррози билан беморларда портал гипертензияни хирургик коррекция қилишда органпротекцияни таъминлаш мақсадида гепатодепрессия патогенезини текшириш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаси (2012-2016йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигар циррозида реабилитацион дастурни ишлаб чиқиш ва шунтдан кейинги махсус ва бошқа асоратларни даволашни оптималлаштириш йўли билан портосистем шунтлаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

декомпрессив амалиётлар турига боғлиқ ҳолда ПСШдан кейинги узок даврдаги натижалар ва асоратлар структурасини ўрганиш;

ПСШдан кейинги узок даврда ЖЦ этиологиясига боғлиқ ҳолда асосий патологик жараённинг кечиши ўзига хослиги ва ўлим суръатини аниқлаш;

ПСШдан кейин ЖЦ билан беморларда вирусга қарши давонинг самарадорлигини баҳолаш;

ПСШдан кейин геморрагик синдромнинг қайталаниши частотаси ва сабабларини аниқлаш;

ПСШдан олдин ва кейинги даврда ЖЦ ва ПГ билан беморларда ЖЭсининг клиник-инструментал диагностикаси самарадорлигини аниқлаш;

ЖЭ синдроми кечиши оғирлигининг портал ҳавза декомпрессия турига боғлиқ равишда ПСШ натижаларига таъсирини аниқлаш;

ПСШдан кейинги узок даврда ЖЦ билан беморларни реабилитация ва даволаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида 2004 йилдан 2018 йилларгача бўлган даврда ЖЦ ва ПГ билан даволанган 490 нафар бемор хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети ПСШ самарадорлигини яқин ва узок даврларда ЖЦ ва ПГ билан беморларда ҳар хил шунтлашдан сўнгги асоратларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш, этиологик омилларга боғлиқ ҳолда асосий жараённинг кечиш оғирлигини баҳолаш, декомпрессия даражаси ва реабилитациянинг комплекс дастурларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий клиник (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлилари, коагулограмма), эндоскопик, нурли (ультратовуш, мультиспирал компьютер томография, ангиография) ва статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жигар циррози ва портал гипертензия билан беморларда портосистем шунтлашнинг селектив ва марказий вариантларидан кейинги узоқ даврда махсус асоратларнинг структураси, унинг ўзига хос ривожланиши ва ўлим кўрсаткичлари аниқланган;

портосистем шунтлашдан кейин этиологик омилларга (HBV, HBV+HDV, HCV, алкогольли ва идиопатик) боғлиқ ҳолда жигардаги патологик жараён кечишининг хусусиятлари ҳамда жигар етишмовчилиги ва геморрагик синдром ривожланиш хавфи омиллари аниқлаштирилган;

беморларда портосистем шунтлаш учун шароитнинг йўқлиги ёки анастомоз тромбозда, қизилўнғач ва ошқозоннинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш ривожланишини даволаш ва профилактикаси учун гастроэзофагеал веноз коллекторини ажратиш усули ишлаб чиқилган;

портосистем шунтлашнинг селектив ва марказий вариантларидан кейин жигар циррози билан беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи устувор омиллар, шунингдек геморрагик синдромнинг хирургик профилактикасида уларнинг аҳамияти аниқланган;

портосистем шунтлашдан олдин ва кейинги даврда жигар циррози билан беморларда жигар энцефалопатияси частотаси ва оғирлик даражасини тасдиқлаш учун «HEPAtonormTM-Analyzer» аппарати ёрдамида милтиллашнинг критик частотасини баҳолашнинг диагностик самарадорлиги аниқланган;

портосистем шунтлашдан кейинги узоқ даврда қизилўнғач ва ошқозоннинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш ва жигар етишмовчилигининг ўзига хослиги ва сабаб-оқибат муносабатининг ривожланиши аниқланган ва бунинг асосида патогенетик асосланган реабилитацион дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЖЦ этиологияси ва патологик жараёни кечиш оғирлигига боғлиқ ҳолда ПСШ кейинги узоқ даврда жигар етишмовчилиги ва геморрагик синдром ривожланиш хавфи ва ўлим кўрсаткичи аниқланган;

ПСШдан кейин геморрагик синдром қайталанишининг асосий сабаблари ва учраш частотаси, шунингдек кузатувнинг ҳар хил босқичларида эҳтимол бўлган фатал оқибатлари аниқланган;

портал генезли қизилўнғач-ошқозондан қон кетишининг ишончли гемостаз ва профилактикасини таъминловчи анъанавий гастроэзофагеал коллекторни ажратиш усули ишлаб чиқилган;

ПСШ режалаштирилаётган ЖЦ билан беморларда ЖЭ оғирлигини тасдиқловчи «HEPAtonormTM-Analyzer» аппарати ёрдамида милтиллашнинг критик частотасини аниқлаш аҳамияти ва самарадорлиги баҳоланган,

шунингдек ҳар хил турдаги декомпрессив амалиётлардан кейин ЖЭ кечишининг хусусиятлари аниқланган;

ПСШдан кейинги узоқ даврда ЖЦ билан беморларни ҚОВКВдан қон кетишида ноинвазив ва инвазив гемостазнинг турли усулларини оптимал даражада қўллаш имкониятини берувчи тактик олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган;

ЖЭни даволаш натижаларини яхшилаш имкониятини берувчи сабаб-оқибат муносабати мезонларини рационал ҳисобга олган ҳолда ушбу асоратни даволаш-диагностик тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий диагностика ва даволаш усулларини қўллаш, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалда ўтказилган. Статистик қайта ишлаш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ЖЦ билан беморларда ПГ диагностикаси ва хирургик даволаш замонавий илмий-амалий ёндашувларга асосланган. Кўриб чиқилган муаммоларни ечими тиббий статистиканинг замонавий синовдан ўтган усуллари ёрдамида бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ПСШдан кейинги узоқ даврда ҚОВКВдан қон кетиш ва жигар етишмовчилиги хусусиятлари ва хавф омилларини аниқлаш йўли билан портал гипертензия хирургиясининг замонавий ютуқларига сезиларли ҳисса қўшиб, улар асосида махсус шунтдан кейинги кўринишларни ҳам, ЖЦ этиологиясига боғлиқ равишда асосий патологик жараён кечиш оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ЖЦ билан беморлар учун даволаш-диагностика тактикаси ишлаб чиқилган ва реабилитацион дастур оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ПСШдан кейинги узоқ даврда эҳтимол бўлган махсус шунтдан кейинги асоратлар ва асосий патологик жараён кечиш оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ЖЦ билан беморларни олиб бориш тактикасининг даволаш-диагностика алгоритмлари ишлаб чиқилган, шунингдек ҚОВКВдан қон кетиш ривожланишини даволаш ва профилактикаси учун, шу жумладан, анастомоз тромбози туфайли ҳам, гастроэзофагеал веноз коллекторни ажратиш усули такомиллаштирилган, натижада ушбу турдаги амалиёт узоқ муддатдаги натижаларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жигар циррози билан беморларга кўрсатиладиган юқори технологик хирургик ёрдам сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқот натижалари асосида:

«Қизилўнғач ва ошқозон варикоз кенгайган веналари билан беморларда гастроэзофагеал веноз коллекторни ажратиш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05390, 28.04.2017 й.). Таклиф қилинган усул портосистем шунтлашга шароит бўлмаган тақдирда ёки анастомоз тромбози ривожланган беморларда хирургик технологиялар

спектрини кенгайтириш имконини берган;

«Портосистемли шунтлашдан кейинги узоқ даврда жигар циррози билан беморларда даволаш-диагностик тактика ва реабилитация алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 8н-з/183-сон маълумотномаси). Жигар циррози билан беморлар реабилитацияси мақсадида ишлаб чиқилган алгоритмлар портосистем шунтлашдан кейинги беморларда сабаб-оқибат муносабатини ҳисобга олган ҳолда фатал асорат бўлмиш қизилўнғачдан қон кетиш ва гепатоцеллюляр етишмовчилик каби асоратларда даволаш-диагностик тактикани оптималлаштириш имконини берган;

портосистем шунтлашдан кейин жигар циррози билан беморларга кўсатиладиган хирургик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, жумладан, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд ва Қашқадарё вилоят филиаллари амалиётига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 8н-з/183-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Жигар циррози билан беморларни даволашда таклиф этилган комплекс ёндашувни қўллаш портосистем шунтлашдан кейинги узоқ натижаларни яхшилашга ва ҳаёт сифатини соғлом кишиларга нисбатан жисмоний ҳолат шкаласи бўйича $57,4 \pm 5,3\%$ дан $76,9 \pm 4,9\%$ гача ва психологик ҳолат шкаласи бўйича $49,2 \pm 5,1\%$ дан $67,3 \pm 4,7\%$ гача оширишга, шунингдек HBV-цирроз билан $56,3\%$ беморларда, HCV-этиологиялида эса $85,7\%$ гача вирусга қарши этиотроп давонинг самарадорлигини оширишга эришилган ва булар эвазига патологик жараён кечишининг стабиллашуви кўрсаткичларини $20,5\%$ дан $60,6\%$ гача яхшилашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 10 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 13 та мақола, улардан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқот режасининг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинганлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларнинг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Жигар циррози портал синдроми билан беморларни хирургик даволашнинг замонавий ҳолати муаммолари»**, деб номланган биринчи бобида ПГ синдромининг учраш частотаси ва ривожланиш омилларининг хавфи, диагностика ва даволашда қарашларнинг эволюцияси, спленопортал оқим хирургияси ривожланишининг замонавий анъаналари ва истиқболли йўналишларига бағишланган бешта кичик боблардан иборат. Ўрганиш ва ишлаб чиқишни давом эттиришни талаб қилувчи мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланилган текширув усуллари»**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг тавсифи келтирилган. Ушбу диссертация Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2004 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда портал гипертензия ва панкреодуоденал зона хирургияси бўлимида даволанган 490 нафар жигар циррози билан беморларнинг текшириш ва даволаш ҳамда амалиётлар натижаларига асосланган. Тадқиқотга фақат жигардаги сурункали диффуз жараён билан оғриган беморлар танлаб олинган. Барча беморларда ПСШнинг турли вариантлари бажарилган. Дистал спленоренал анастомоз (ДСРА) 306 (62,4%) беморларда; спленосупраренал анастомоз (ССРА) 84 (17,1%), латеролатерал спленоренал анастомоз (ЛЛСРА) 62 (12,7%), спленоренал анастомоз ўнг ички бўйинтуруқ венасидан ямоқ олиб Н-шаклида улаш (Н-СРА) 25 (5,1%) ва проксимал спленоренал анастомоз спленэктомия билан (ПСРА) 13 (2,7%) беморларда бажарилган.

Илмий-клиник тадқиқот икки йўналишда таҳлил қилишга асосланган. Биринчи йўналишга ПСШдан кейинги узоқ даврда кузатилган ва 2004 -2018 йилларда амалиёт ўтказилган ЖЦ билан – 385 беморларнинг яшаш сифатини таҳлил қилишни ўз ичига олган. Иккинчи йўналиш эса ЖЦ билан беморларда жигар энцефалопатияси синдроми оғирлик даражаси ва унинг ПСШ натижаларига таъсирини, шунингдек яқин ва узоқ даврларда турли хил декомпрессив амалиётлар ушбу асорат динамикасини тасдиқлашга асосланган. ЖЭсини тасдиқлаш учун бизнинг тадқиқотда «HEPAtonorm™ – Analyzer» (компания «MERZ», Германия) аппарати ишлатилди. Иккинчи йўналиш 2004 йилдан 2018 йил ичида ўтказилган текшириш натижалари ва ПСШ амалиёти бажарилган ЖЦ билан барча 490 беморларни ўз ичига олган.

490 бемордан 325 таси (66,3%) эркаклар ва 165 таси (33,7%) аёлларни ташкил этган. Кўпчилик ҳолатларда ёш ва ўспирин ёшдаги - 423 (86,3%) беморларга амалиёт бажарилган, эркаклар аёлларга нисбатан 2 баробар кўпчиликни ташкил этган. Барча беморларни ўртача ёши $31,4 \pm 0,5$ ни ташкил этган, эркаклар - $29,9 \pm 0,5$ ёш ва аёллар $34,4 \pm 0,9$ ёшни ташкил этган.

ҚОВКВдан фаол қон кетиш клиникаси билан шошилиш равишда 48 (9,8%) бемор мурожат қилишган. Беморларга консерватив терапия фониди

қон кетиш тўхтатилиб кейин режали равишда амалиёт қилинди. Режали равишда муружат қилган 176 (35,9%) беморларнинг анамнезида бир маротаба, 135 (27,6%) тасида кўп маротаба қон кетганлиги аниқланган.

Қизилўнғачнинг бор бўйи бўйлаб варикоз кенгайган веналар 68 (13,9%) беморларда, қизилўнғачнинг ўрта ва пастки учлигида – 267 (54,6%), пастки учлигида - 155 (31,6%) беморларда аниқланган. А.Г.Шерцингер ҳаммуаллифдаги классификациясига биноан (1984) ҚОВКВ I даражаси 1 (0,2%), II даражаси – 355 (72,4%) ва III – 133 (27,1%) беморларда аниқланган. Қизилўнғач веноз суратининг кучайиши 1 (0,2%) беморда аниқланган.

Диссертациянинг «**Портосистем шунтлаш операциясидан кейинги узок муддатлардаги натижалар ва жигар циррози портал гипертензия билан беморларда ўлим сабабларини жамланган таҳлили**», деб номланган учинчи бобида декомпрессив аамалиётнинг яқин (1-жадвал) ва узок даврлардаги (2-жадвал) асосий натижалари келтирилган. ПСШдан сўнг ЖЦ билан беморларнинг 5 йил муддатгача кузатув вақтида, махсус асоратлар 74,8% (476 дан 356 тасида) (ДСРАдан кейин - 73,4% (218), марказий ПСШдан кейин - 77,1% (138) ҳолатларда, шунингдек жигар етишмовчилигини кучайиши - 62,8% (299) (181 - 60,9% ДСРАдан кейин, марказий ПСШдан кейин 118 - 65,9%); геморрагик синдром 12% (57 беморларда) (мос равишда 37 - 12,5% ва 20 - 11,2%) вужудга келган. 5 йилдан зиёд яшаган беморлар ДСРАдан кейин 174 (58,6%), марказий ПСШдан кейин бор йўғи – 271 (56,9%) ташкил этган.

1-жадвал

ПСШдан кейинги яқин даврдаги асоратлар частотаси

Асоратлар	ДСРА		Марказий ПСШ		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Жигар етишмовчилиги	22	7,20%	14	7,60%	36	7,30%
Клиник жиҳатдан ривожланган энцефалопатия	26	8,50%	32	17,40%	58	11,80%
Латент энцефалопатия	123	40,20%	84	45,70%	207	42,20%
Анастомоз тромбози	5	1,60%	2	1,10%	7	1,40%
ҚОВКВдан қон кетиш	10	3,30%	4	2,20%	14	2,90%
Асцитнинг кўпайиши	38	12,40%	13	7,10%	51	10,40%
Релапаротомия	4	1,30%	2	1,10%	6	1,20%
Ўлим	9	2,90%	5	2,70%	14	2,90%
χ^2 мезони	18.086; Df=5; P<0.001				-	-

2-жадвал

ПСШдан кейинги узок даврдаги асоратлар частотаси

Асоратлар	ДСРА (n=297)		Марказий ПСШ (n=179)		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Жигар етишмовчилиги	181	60,9%	118	65,9%	299	62,8%
Геморрагик синдром	37	12,5%	20	11,2%	57	12,0%
Жами асоратлар	218	73,4%	138	77,1%	356	74,8%
Ўлим	123	41,4%	82	45,8%	205	43,1%

Турли муддатлардаги кузатувларга боғлиқ ҳолда ўлим структурасини таҳлил қилсак, унда қуйидагиларни қайд этиш мумкин. Шунтлашнинг ҳар қандай турининг узоқ босқичида 3-йиллик кузатувдан сўнг даврда геморрагик синдром ривожланишининг йўқолиши билан характерлидир. Шундай қилиб, ДСРАдан кейинги 6 ой вақт ичида ўлимга олиб келадиган қон кетиш 12 (191тадан 6,3%) беморларда, 12 ойда 10 (159 тадан 6,3%) ва 3-йиллик кузатувда – 4 (91тадан 4,4%) ҳолатларда кузатилди. Марказий анастомозлардан кейин ушбу кўрсаткичлар – 7 (125 тадан 5,6%), 5 (81тадан 6,2%) ва мос равишда 1 (58 тадан 1,7%) ташкил қилди. Ўз навбатида ДСРАдан кейин жигар етишмовчилигидан ўлим суръати 6 ой ичида 8,4% (191 тадан 16), 5 йиллик кузатувда 41,9% гача (143 тадан 18) ва 5 йилдан ортиқ кузатувда 50% гача (20 тадан 10) ошиб борди. Шунтлашнинг марказий вариантларидан сўнг: 6 ойда – 12% (125тадан 15); 12 ойда – 18,5% (81тадан 15); 3 йилда – 36,2% (58 тадан 21); 5 йилда – 41,4% (29 тадан 12) ва 5 йилдан ортиқ – 46,2% (6 из 13 тадан 6) ошиб борган.

ЖЦда беморларнинг яшаш прогнозида касалликнинг ривожланиш этиологияси муайян аҳамият касб этади. ПСШдан кейинги узоқ даврнинг кечиши манзарасини янада объектив бўлиши учун биз ЖЦ билан 109 бемордан ташкил бўлган гуруҳни танлаб олдик (2004-2018йй), уларда назорат кўригидан ташқари асосий жараён кечиши диагностикаси амалга оширилди. Хусусан, аксарият ҳолатларда ЖЦ этиологиясида вирусли гепатит бўлган, ушбу таҳлил учун ПСШдан кейин вирусга қарши терапия ўтказилган В, В+Д ва С гепатитлари мавжуд бўлган беморларни киритдик. Шунингдек амалиётдан кейинги узоқ даврни ўзига хос кечишини қиёслаш мақсадида алкоғолдан сўнг ривожланган ЖЦ – 21 ва идиопатик ЖЦ билан – 16 беморларни ҳам киритдик.

ПСШдан кейинги 5 йил ичида гепатит В фонида ривожланган ЖЦ билан 32 (31,3%) бемордан 10 таси, HBV ва HDV циррозида – 26 (69,2%)тадан 18 таси (69,2%), HCV ЖЦда – 14 (28,6%) тадан 4 таси, алкоғолли – 21 (33,3%) тадан 7 таси ва идиопатик ЖЦда – 16 (25%) тадан 4 та беморлар ўлган. HBVли ЖЦда ўлим структурасида жигар етишмовчилиги ҳисобига 21,9% (32 тадан 7) ҳолат, геморрагик синдромда – 9,4% (3), HBV ва HDV циррозида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 53,8% (26 тадан 14) ва 15,4% (4) ҳолатларда, HCVли ЖЦ – 21,4% (14 тадан 3) ва 7,1% (1), алкоғолли ЖЦда – 23,8% (21 тадан 5) ва 9,5% (2) ва идиопатик ЖЦда – 12,5% (16 тадан 2) ва 12,5% (2) ҳолатларга тўғри келди. ПСШдан кейинги 5 йиллик вақт кузатув мобайнида ЖЦнинг барча турлари бўйича ҳаммаси бўлиб 66 (60,6%) беморлар яшаб қолди, ўлим 39,4% ни ташкил этди (109 бемордан 43 таси).

Вирусга қарши терапиянинг самарадорлигига боғлиқ ҳолда вирусли ЖЦнинг ўзига хос кечиши натижаларини алоҳида келтирамиз, унинг самарадорлиги гепатит Вда 56,3% (18), гепатит Сда– 85,7% (12) В ва D-вируси қўшилиб келганда 11,5% (3) ни ташкил қилди. Умумий самарадорлик эса 45,8% ни (33 беморда) ташкил қилди.

Вирусга қарши самарали даво 33 (60,6%) тадан 20 беморда ЖЦнинг стабиллашувида, жумладан HBVда – 61,1% (18 тадан 11), HBV ва HDV –

33,3% (3 тадан 1) ва HCVда – 66,7% (12 тадан 8) имкон туғдирди. ЖЦнинг кучайиши мос равишда 39,4% (33 тадан 13), 38,9% (71 тадан 7), 66,7% (3тадан 2) ва 33,3% (12 тадан 4) ҳолатларда қайд этилди. Ўз навбатида вирусга қарши терапиянинг самара бермасида кейинчалик ЖЦнинг стабил кечиши фақатгина 39 (20,5%) тадан 8, HBVда – 28,6% (14тадан 4), HBV ва HDV – 13% (23 тадан 3) ва HCVда – 50% (2 тадан 1) беморларда қайд этилди. ЖЦнинг кучайиши мос равишда 79,5% (39 тадан 31), 71,4% (14 тадан 10), 87% (23 тадан 20) ва 50% (2 тадан 1) ҳолатларда қайд этилди.

Хулоса қилинганда ПСШдан кейинги узок даврда қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

HBV-этиологияли ЖЦ билан беморларда патологик жараённинг стабил компенсациялашган кечиши 46,9% ҳолатда ва рецидив геморрагик синдром фониди 6,7% леталлик қайд этилди, ўз навбатида (53,1%) ҳолда жигар циррозининг кучайишида леталлик 52,9% ташкил этди (жигар етишмовчилиги фониди 41,2% ва геморрагик синдромда – 11,8%);

HBV-HDV-этиологияли ЖЦда патологик жараённинг стабил компенсациялашган кечиши 15,4% ҳолатда кузатилиб, рецидив геморрагик синдром фониди 25% леталлик қайд этилди, ўз навбатида (84,6%) ҳолда циррознинг кучайишида ўлим кўрсаткичи 77,3% ни ташкил этди (жигар етишмовчилиги фониди – 63,6% ва геморрагик синдромда – 13,6%).

HCV-этиологияли ЖЦда патологик жараённинг стабил компенсациялашган кечиши 64,3% ҳолатда кузатилиб, рецидив геморрагик синдром фониди 11,1% леталлик қайд этилди, ўз навбатида (35,7%) ҳолда циррознинг кучайиши фониди леталлик 60% ҳолатда кузатилди (жигар етишмовчилиги фониди).

Алкоголли ЖЦда патологик жараённинг стабил компенсациялашган кечиши 57,1% ҳолатда кузатилиб, рецидив геморрагик синдром фониди 33,3% леталлик қайд этилди (алкоголни суистеъмол қилиш фониди - 16,7% ва геморрагик синдром рецидивиди - 16,7%), ўз навбатида (42,9%) циррознинг кучайишида леталлик 33,3% ташкил этди (жигар етишмовчилиги фониди).

идиопатик ЖЦда патологик жараённинг стабил компенсациялашган кечишининг 75% ҳолатида кузатилиб, рецидив геморрагик синдроми фониди 8,3% леталлик қайд этилди, ўз навбатида (25%) циррознинг кучайишида леталлик 75% ташкил этди (жигар етишмовчилиги фониди 50% ва геморрагик синдромда 25%).

Диссертациянинг «**Портосистем шунтлаш операциясидан кейинги узок даврда геморрагик синдромнинг қайталаниши сабабларининг таҳлили**», деб номланган тўртинчи бобида ПСШдан кейинги даврда ҚОВКВдан қон кетиш сабаблари, учраш суръати ва структуралари ҳақида маълумотлар келтирилган. Варикоз даражаси динамикасини баҳолаш шуни кўрсатдики, ДСРАдан кейин III даражали варикоз кенгайган беморлар сони 79 (26,6%) дан 36 (12,1%) гача, II даражали варикоз кенгайганлар эса 73,4% дан 36,7% гача камайди. Марказий шунтлаш гуруҳида ушбу кўрсаткичлар III даражали варикоз кенгайган беморлар 66


(38%) дан 13 (7,3%) гача, II даража билан эса 109 (60,9%) дан 37 (20,7%) гача беморларни ташкил этди.

ПСШдан кейинги узоқ даврда геморрагик синдром рецидиви кузатувда бўлган 476 беморнинг 57 нафариди қайд этилди. Демак, ПСШдан кейинги 6 ой мобайнида қон кетиш 26 (8,2%) беморда кузатилиб леталлик 6% (19 бемор) ни ташкил қилди. Бир йил ичидаги 240та кузатув жараёнида бўлган беморларда қон кетиш яна 20 (8,3%) ҳолатда кузатилди ва леталлик 6,3% (15) ни ташкил этди. Кейинги 3 йиллик кузатувда давомида геморрагик синдром 9 (6,0%) ҳолатда кузатилиб фатал оқибат 5 (3,4%) беморларда қайд этилди. 5 йил ичида қон кетиш фақат 1 (1,4%) ҳолатда кузатилган, 5 йилдан ортик кузатувда ҳам 1 (3,0%) беморда кузатилиб ўлим ҳолати қайд этилмади. Ҳаммаси бўлиб 57 бемордан 39 ҳолатида қон кетиш фатал оқибатга сабаб бўлди. Қизилўнғач-ошқозондан рецидив қон кетиши ривожланишининг асосий сабаби 31 (6,5%) ҳолатда - анастомоз тромбози, бунда ДСРАдан кейин ушбу асоратнинг суръати 7,4% (22), марказий ПСШда - 5,0% ни (9) ташкил этди. Анастомоз тромбози ривожланиш суръати бўйича бошқа сабабларга қараганда шубҳасиз фарқ қилади, хусусан бу ҳолат етарли даражада декомпрессия бўлмаган қон кетишда, қачонким доплерографияда қон айланиши анастомоз орқали яққол тасвирлансада, аммо шунтнинг диаметри торайганлиги сабабли (8 мм гача) адекват декомпрессияни таъминлаб беролмаган. Ушбу сабабнинг учраш суръати 2,7% (13), ДСРАдан кейин 8 (2,7%) ва марказий ПСШдан сўнг 5 (2,8%) ни ташкил этди. Портал гастропатия фонидида қон кетиш 2,7% (13) 7 (2,4%) ва 6 (3,4%) ҳолатларда ривожланди.

Қон кетишни тўхтатишнинг асосий усуллари эндоскопик аралашув (склеротерапия ва лигатура қўйиш) - 30 (52,6%) ҳолатларда қўлланилди. Портал гастропатия ҳамда спонтан тарзда қон тўхтаган вазиятларда консерватив терапия қўлланилди. Кардиядан қон кетишларда ва эндоскопик гемостаз самара бермаган ҳолларда ёки эрта қон кетиши қайталанишининг хавфи юқори бўлганда беморларга анъанавий ажратувчи амалиётлар бажарилди. Ушбу усул «Акад. В.Вахидов номидаги РИХИАТМ»да таклиф этилиб, кейинчалик такомиллаштирилган («Қизилўнғач ва ошқозон веналари варикоз кенгайган беморларда гастроэзофагеал веноз коллекторини ажратиш усули», Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун IAP 05390-сонли патенти, 28.04.2017 й.) (1-расм). 3-жадвалда қон кетиш пайтида бажарилган амалиётлар турлари келтирилган.

ПСШдан кейинги узоқ даврда 57 беморда портал генезли қон кетиш рецидиви билан 68,4% (39) беморлар ўлган. Аммо ўлимнинг бунчалик юқори кўрсаткичи фатал қон кетишнинг юқори эҳтимоллиги билан характерланмасдан, балким таҳлил қилинадиган вақтларда (ПСШ кейин 5 йил) унинг бир неча маротаба такрорланганлиги билан боғлиқдир. Гастроэзофагал коллекторни тотал ажратишдан (ГЭКТА) кейин анастомоз тромбози билан 3нафар бемор вафот этди, 1 бемор декомпрессиянинг етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, ҳаммаси бўлиб ушбу амалиётдан кейин

леталлик 36,6% ташкил қилди. Эндоскопик аралашувлардан кейин 23 (76,7%) ва консерватив терапия фониди - 12 (75%) беморлар вафот этди.



1-расм. Ф.Г. Назиров бўйича ГЭКТА. Меъда деваскуляризацияси ва веноз коллекторини поливинилхлорид протез билан боғлаш орқали интрамурал ажратиш

3-жадвал

ПСШдан кейинги узоқ даврда геморрагик синдром пайти бажарилган амалиётлар турлари


Геморрагик синдромда амалиётлар тури	ДСРА		МарказийПСШ		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
ГЭКТА қон кетиш пайти	8	21,6%	3	15,0%	11	19,3%
Эндоскопик аралашувлар	20	54,1%	10	50,0%	30	52,6%
Консерватив терапия	9	24,3%	7	35,0%	16	28,1%
Жами	37	100%	20	100%	57	100%

Қон кетиши сабабларига кўра тромбозда леталлик суръати 64,5% (31 бемордан 20), ўз навбатида тириклар 11 (35,5%) ташкил қилди. Декомпрессиянинг етарли даражада бўлмаганлиги сабабли 13 тадан 7 (53,8%) бемор вафот этди, 6 (46,2%) бемор 5 йиллик кузатув мобайнида тирик қолган. Портал гастропатия фониди, афсуски, леталлик максимал - 92,3% (13 бемордан 12) бўлиб, бу қон кетишининг қайталаниши натижасида жигар циррозининг оғир кечиши ва жараённинг декомпенсация боқичига ўтиши билан боғлиқ бўлди.

Геморрагик синдром ривожланишининг ҳар қандай кўрсатиб ўтилган сабаби, ҳақиқатда, айнан ПСШ асорати ҳисобланади, албатта, портал гастропатия бундан мустасно. Ваҳоланки узоқ даврдаги 8,2% леталлик максимал кўрсаткич ҳисобланмайди. Бошқа жиҳатдан қизилўнғач-меъда варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш хавфи 90% дан юқори бўлган

беморларда ва унинг бир марталик эпизодида леталлик эҳтимоллиги 30%дан юқори бўлган пайтда ПСШ операциясининг натижаларини геморрагик синдром профилактикасида муҳим деб тан олиш лозим.

